

“Урганч марказий деҳқон бозори” акциядорлик
жамияти кузатув кенгашининг мажлиси

Б А Ё Н И

2022 йил 16 ноябрь

Урганч шаҳри.

Қатнашдилар:

Ж.Эшчанов	-	кузатув кенгаши раиси
У.Якубов	-	кузатув кенгаши аъзоси
А.Кодиров	-	кузатув кенгаши аъзоси
А.Абдуллаев	-	кузатув кенгаши аъзоси
С.Артиқова	-	кузатув кенгаши аъзоси
М.Султонова	-	кузатув кенгаши аъзоси
А.Курбанов	-	кузатув кенгаши аъзоси

Таклиф қилинганлар :

1. Х.Сиддиқов – жамият бошқарув раиси ўринбосари.
2. А.Ғоипов - жамият бош ҳисобчиси.

Мажлис раиси	Ж.Эшчанов
Мажлис котиби	А.Кодиров

Мажлис раиси сўзга чиқиб, мажлисда иштирок этаётганларга қуйидаги маълумотларни айтиб ўтди:

- мазкур мажлис, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 78-моддасига ҳамда жамият уставига асосан жамият ижроия органи аъзоларининг ташаббуси билан чақирилди;

- мажлис кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли маълумотлар ва ҳужжатлар барча кузатув кенгаши аъзоларига тақдим этилди;

- мазкур мажлисда жамиятнинг етти кузатув кенгаши аъзоларидан етти нафари иштирок этаётган бўлиб кворум 100,0 фоизни ташкил этади, бу эса Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 78-моддасига асосан жамият кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум етарли эканлигини тасдиқлайди.

Шундан сўнг мажлис раиси, кузатув кенгаши аъзоларига қуйидаги масала юзасидан овоз беришларини таклиф этди:

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 78, 83 ва 84-моддаси талабларига асосан, “Урганч марказий деҳқон бозори” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларининг мазкур мажлиси чақирилганлиги, мажлисда кворум мавжудлиги, кузатув кенгаши аъзолари тегишли маълумотлар ва ҳужжатлар билан таъминланганлиги ҳамда мазкур мажлисда қабул қилинган қарорлар юридик кучга эга эканлиги айтиб ўтди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 100 %.

Қарши – йўқ.

Бетараф – йўқ.

Кузатув кенгаши мажлиси 100,0 фоиз кворумни ташкил этганлиги сабаб очик деб эълон қилди. Мажлис раиси Ж.Эшчанов кун тартибидаги кўри чиқиладиган масалалар билан мажлис иштирокчиларини таништирди.

КУН ТАРТИБИ

1. Жамият бошқарув раиси Ш.Раззақовнинг жамият кузатув кенгаши номига 2022 йил 03 ноябрь куни ёзган аризаси ҳақида.
2. Жамият бошқарув раиси вазифасини вақтинчалик бажарувчини тайинлаш тўғрисида.

ЭШИТИЛДИ

Йиғилишни мажлис раиси Ж.Эшчанов очиб, кун тартибидаги масалалар муҳокамаси давомида ўз фикр ва мулохазаларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги 1 ва 2 масалалар бўйича “Урганч марказий дехқон бозори” акциядорлик жамияти кузатув кенгаш раиси Ж.Эшчанов сўзга чиқиб, қўйидагиларни билдирди.

Жамият бошқарув раиси Ш.Раззақовнинг жамият кузатув кенгаши номига ўз хошишига кўра ишдан бўшатиш тўғрисида 2022 йил 03 ноябрь куни ёзган аризасини ўқиб эшиттирди.

Жамият бошқарув раиси Ш.Раззақов ўз аризасига биноан ишдан бўшаётганлигини инобатга олиб, фуқаро Ш.Раззақов билан “Урганч марказий дехқон бозори” акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси лавозимига ёллаш тўғрисидаги 2022 йилнинг 16 июль куни тузилган меҳнат шартномасининг 9-бандига асосан мазкур меҳнат шартномасини бекор қилишни таклиф қилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 100 %.

Қарши – йўқ.

Бетараф – йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан қўйидагиларни билдирди.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишда, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаси эканлиги сабабли, жамиятнинг бошқарув раисини зудлик билан тайинлашни, қарор тасдиғини навбатдаги акциядорларнинг умумий йиғилишида кўришни тасвия қилди.

Жамият кузатув кенгаш аъзоси А.Кодиров сўзга чиқиб, жамиятни бошқарув раиси вазифасини вақтинчалик бажарувчи лавозимига мазкур жамиятнинг раис ўринбосари Х.Сиддиқовнинг номзодини таклиф қилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 100 %.

Қарши – йўқ.

Бетараф – йўқ.

Ўтказилган муҳокама ва билдирилган фикрлар ҳамда овозга қўйиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда “Урганч марказий дехқон бозори” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жамият бошқарув раиси Ш.Раззақовнинг жамият кузатув кенгаши номига 2022 йил 03 ноябрь куни ёзган аризаси маълумот учун қабул қилинсин.
2. Фуқаро Ш.Раззақов билан “Урганч марказий дехқон бозори” акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси лавозимига ёллаш тўғрисидаги 2022 йилнинг 16 июль

куни тузилган меҳнат шартномасининг 9-бандига асосан мазкур меҳнат шартномаси бекор қилинсин.

3. “Урганч марказий деҳкон бозори” акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси ўринбосари Х.Сиддиқов “Урганч марказий деҳкон бозори” акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси вазифасини вақтинчалик бажарувчи лавозимига тайинлансин.

4. Фуқаро Ж.Эшчанов билан “Урганч марказий деҳкон бозори” акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси вазифасини вақтинчалик бажарувчи лавозимига ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномаси тузилсин. Мазкур меҳнат шартномасига жамият номидан имзо қўйиш ваколати жамият кузатув кенгаши раиси Ж.Эшчановга берилсин.


6. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунинг 81-моддасига асосан жамият директори ва бошқаруви аъзолари, ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозимлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

7. Мазкур қарор ижроси жамият бошқарув раиси в.в.б. Х.Сиддиқов зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорати жамият кузатув кенгаши раиси Ж.Эшчанов зиммасига юклатилсин.

Баённома расмийлаштирилган сана 16 ноябрь, 2022 йил.


Мажлис раиси:
котиби:




Ж.Эшчанов
А.Кодиров

Жамият кузатув кенгаши аъзолари:


Ж.Эшчанов




У.Якубов




А.Кодиров




А.Абдуллаев




С.Артиқова



М.Султонова



А.Курбанов



А.Кодиров

